

Ислом бобо хотирасига.

Отасини йўқотган ўртоқларимни кўрсам “Етим бўлмоқлик ҳисси бу қандай ҳис экан?” деган савол берардим болалигимда. Ҳа, ота-онам ҳаёт, худога беъадад шукр! Бироқ, шундай бўлсада, етим қалбидан ўтказадиган тушкунлик ва қайғуни қалбан ўтказдим. Юртбошимиздан айрилдик! Тарихда буюк, кўзга кўринган машҳур инсонлар вафот этса, кўз ёш тўкиб “Наҳотки шу инсон ҳам ўладими?” деб ишонгимиз келмаганидек, худди шундай ҳолат мамлакатимизда ҳам маълум бир вақт амалда бўлди. Назаримда ойна-и жаҳонни мурувватини бурайман-у, Президентимиз Ислом Абдуғаниевични минбарда туриб “Азизларим!”, “Миллион-миллион Ўзбекистон ёшлари менинг болаларим!”, “Сизларни ҳаммангизни яхши кўраман!” деган меҳрга тўла илиқ сўзларини эшитадигандекман.

Инсон буюклик даражасига ҳаётдан кўз юмгандан сўнг эришаркан. Севимли инсонингдан то ажралмагунингча, уни қадрига керакли даражада, айтарли даражада етмас экансан.

Ислом Каримов! Абадий буюк инсон сифатида юрагимиздан жой олиб, Ватани, халқи, фарзандлари келажаги ҳақида қайғуриб ўзидан озод ва обод юрт мерос қилиб кетган фидои шахс бўлиб қолди хотирамизда.

Эсланг! 1991 йил водий воқеалари. Юртбошимиз жававаси тутиб турган муҳолифатчи кучлар ташкил этган норозилик намойишига шахсан ўзи, бирор бир тансоқчи ёрдамисиз ташриф буюриб музокара олиб борди. Келишувга эришди, тинчлик ўрнатди.

Эсланг! 1999 йил мудхиш февраль воқеалари. Айнан ўша муҳолифатчи кучлар амалга оширган террористик ҳаракатлар. Халқ қўрқувга тушди. Лекин Президентимиз эмас. “Нимага қўрқасиз? Агар сиз қўрқсангиз, мен қўрқсам, халқ нима қилсин? Унинг аҳоли нима кечади” деб далда бўлганди ўшанда у, юртдошлари руҳини кўтарганди ўшанда у.

Ана мардлик, ана сизга жасурлик тимсоли!

Ёдингиздами 2010 йил Ўш воқеалари? Қўйиб берса тарихан дўстлик ришталарини ўрнатиб келган қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасида катта қирғин

бўлиш арафасида турган эди. Кўплаб ўзбек миллатига мансуб инсонлар ушбу тўпалонда халок бўлди. Бироқ доно давлат раҳбаримиз ўшанда деди: “Бу қирғинда на ўзбекнинг ва на қирғизнинг айби бор. Бу икки миллат азалдан дўст. Тўпалоннинг бошланишига сабаб эса, тинч ва осойишта ҳаётимизни кўра олмаётган бошқа бир кучлар”. У жуда ҳақ эди. Тинчлик ҳукм сурди. Юртимизда бирор бир қирғиз азият чекмади. Бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари биринчи навбатда эканлигидан далолатдир.

Буюк инсоннинг вафоти ҳам буюк бўлар экан. Афсус отамизга Мустақиллигимизнинг чорак асрли тўйида минбарга чиқиб халқни олқишлаш ва тадбир сўнгида рақсга тушиб бериш насиб қилмаган экан. Давлат раҳбаримиз севимли ва ҳурматли бўлганликларини бутун дунё кузатди. Мотамга чўккан халқ буни намоён қилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов эса инсонларда Ватанпарварлик ҳиссини янада жўш урдириб кетди. Биз ёшлар муҳтарам Президентимиз хохлаган ва орзу қилган давлатни барпо этишда давом этамиз ва улар ният қилган келажакни қурамыз! Ислоҳ Каримов номини доимо пок тутиб, келажак авлодга улар ҳақларида сўзлаб берамыз!

ТТПУ методисти

Анвар Нигманов